Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 27 январ, чоршанба # 4 (68)

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



**Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз - бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. ... Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам, ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.**

**Ислом КАРИМОВ.**

## Янгиликлар, Хабарлар, Воқеалар



***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 январ куни Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг ижрочи котиби Борис Березовскийни қабул қилди.

### ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари билан «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинди.

Мазкур қонунлар лойиҳалари юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларингизни жумладан, «Ҳуқуқ» газетаси орқали ҳам баён этишингиз мумкин.

### АСАКАНИНГ ЯНА БИР МЎЪЖИЗАСИ

«ЎзДЭУавто» компанияси мутахассислари «Ўзавтосаноат» уюшмаси ҳамда хорижий шериклар билан ҳамкорликда биринчи ўзбек спорт автомобилини яратдилар.

Илк ўзбек спорт автомобилини синаб кўриш биринчи бўлиб Шерзод Жумаевга насиб этди.

### ЮЛДУЗЛАР ИЧРА ЯНА БИР ЮЛДУЗ

Голландиянинг Вейк-ан-Зей шаҳрида давом этаётган нуфузли халқаро шахмат турнирида жаҳоннинг кўзга кўринган машҳур шахматчилари иштирок этмоқда. Шуниси қувончлики, энг кучли шахматчилар орасида ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ҳам бор.

Еттинчи турда россиялик гроссмейстер Владимир Крамник Рустамнинг маҳоратига тан бериб, дурангга рози бўлди.

Саккизинчи турда Рустамни жиддий синов кутмоқда. У жаҳон чемпиони Гарри Каспаровга қарши қора доналар билан ўйнайди.

## ЮРИДИК ХИЗМАТ - ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

ЎТГАН ЙИЛНИНГ 1 НОЯБРИДАН КУЧГА КИРГАН «ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЮРИДИК МАСЛАҲАТЧИЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРДИ.

2-б.

**Ўғли мактабдан келишини пойлай бошлади. Аксига олиб ундан дарак йўқ эди. Қоронғу тушгач, ҳовлига чиқиб ўтирди. Келавермагач, кўчага чиқди.**

## МЕНИНГ БОЛАМ ЭДИНГ-А, БОЛАМ

5-6-б.

## Мактублар, Жавоблар

3-б.

**Таҳририятимизга келган бирон-бир хат эътибордан четда қолмайди.**

## ҚОНУН ВА БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

***«Фуқароларни қабул қилиш, улардан тушган ариза ва шикоятлар бўйича қонуний чоралар кўриш фаолиятимизнинг салмоқли қисмига айланди».***

4-б.

## ПУЛ САРФЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

**Беш халқа аро... машмаша**

**Пул муомаласи хусусида мунажжим башорати, Кроссворд, хангалар**

**буларнинг барчаси**

8-б.

## ҚЎШАЛОҚ ҚОПҚОН

7-б.




**Қанотларига қизил юлдуз тасвири туширилган самолёт ҳарбий база устида пайдо бўлиши билан саросималик бошланди. Лекин, самовий қирувчи «юввошлик» билан учиш майдончасига қўнди...**

• Эҳтиёж фарзанди

**Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида одамлардан ишчанлик, тадбиркорлик, ташаббус ва ташкилотчилик талаб этилмоқда. Шубҳасиз, бу йўлда одамларда қунт ва сабот, қолаверса, ҳуқуқий билим устуворлик касб этмоғи зарур.**

# ЮРИДИК ХИЗМАТ - ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Мамлакатимиз халқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётган бир пайтда юридик хизматнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Хўжалик юритувчи субъектлардаги ҳуқуқшунос маслаҳатчиларнинг ўз ишини қай даражада пухта билиши ва раҳбарнинг унинг маслаҳатларига эътибори корхона ёки хўжалик муваффақиятининг гаровидир.

Ўтган йилнинг 1 ноябридан кучга кирган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун юридик маслаҳатчиларнинг масъулиятини янада кучайтирди.

Ушбу қонуннинг 20- ва 21-моддаларида шартномаларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, бинобарин, хўжалик шартномаларини тузиш, унинг мажбуриятларини бажариш, шартнома шартларини ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш ва шартномаларни юридик маслаҳатчиларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўймаслик мустаҳкамлаб қўйилган. Шунинг ўзи юридик маслаҳатчилар масъулиятини яққол кўрсатиш билан бирга, корхоналар ўртасида тузилаётган шартномаларнинг белгиланган тартибларга мослигини, натижада дебитор ва кредитор қарзларнинг кўпайиб кетмаслигини таъминлайди. Демак, ҳужжатлар қонуний расмийлаштирилган корхонада ривожланишга тўсиқ бўлувчи камчиликларга барҳам берилади. Бу - юридик маслаҳатчи фаолиятининг бир қирраси, холос.

Афсуски, баъзи ҳолларда кўплаб корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳуқуқий норматив ҳужжатлар билан етарлича таъминланмаганлиги ва ҳуқуқий хизматга муҳтожлиги сезилмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бундай пайтда корхона олдида баъзи муаммолар ҳам пайдо бўлади.

Хўш, бу пайтда нима қилиш керак? Кимдан ёрдам кутиш мумкин? Шубҳасиз, бундай пайтда бизнинг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказимиз сизнинг яқин ёрдамчингиз ва кўмакчингизга айланади.

Биз сизни қизиқтирган норматив ҳужжатлар билан таъминлаймиз.

Мулк шаклидан қатъий назар барча корхона, муассаса ва ташкилотларга ҳуқуқий хизмат кўрсатамиз.

Тергов органларида, судларда, солиқ органларида текширув ўтказиш чоғида хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа давлат органлари манфаатларини ҳимоя қиламиз.

Хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик ишларини амалга оширамиз.

Аудиторлик фаолияти йўналиши бўйича мулкчилик шаклидан қатъий назар, идоралар, ташкилотлар, акционерлик жамиятлари, уюшмалар, бирлашмалар, концернлар молиявий хўжалик фаолиятини ҳисоб-китоб ва тафтиш қилиш, молиявий ишлар ва бухгалтерия ҳисобини олиб боришнинг тўғрилигини текшириш, молия ва тижорат фаолиятини яхшилаш юзасидан тавсиялар берамиз.

Ҳуқуқшунослик ва аудиторлик фаолиятларини амалга оширишга рухсатнома (лицензия) олиш учун мутахассисларни қайта тайёрлаймиз ва ўқитамиз. Фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишлари бўйича адвокатлик ёрдами кўрсатамиз. Корхоналарни тузиш ва рўйхатдан ўтказишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатамиз.

Қўшма корхоналар, чет эл ваколатхоналари, шўъба корхона ва филиалларининг таъсис ҳужжатларини тайёрлаймиз. Жамоат бирлашмалари ва акционерлик жамиятларини рўйхатдан ўтказишда барча зарур таъсис ҳужжатларини тайёрлаймиз. Таъсис ҳужжатларига қўшимча, ўзгартишлар киритишда ва қайта рўйхатдан ўтказишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатамиз.

Барча тур автомототранспорт воситаларининг ташқи кўриниши, двигатели ҳажми, от кучини аниқлаш, улар ўғирланган ёхуд олиб қочилганда, шунингдек, йўл ҳаракати ҳодисаларида етказилган зарарни ва унинг қолдиқ баҳосини аниқлаш, фойдаланиш, ишлатиш хусусиятлари, фойдаланиш чиқити ва сифатининг текширув экспертизаларини ўтказишда ёрдам берамиз.

Яқинда республикамизнинг «Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 апрелдаги «Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан республика деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси билан мазкур хўжалик соҳаси раҳбарларининг малакасини ошириш мақсадида ўзаро шартнома тузганмиз. Ҳозир ушбу малака ошириш курсининг дастурини ишлаб чиқдик. Тўғриси,баъзи деҳқонлар қушларнинг учишига, чуғур-чуғурига қараб ёки молларнинг ва паррандаларнинг ҳолатларига қараб об-ҳавонинг қандай бўлишини ёки бўлмаса бир сиқим тупроқнинг сифатига қараб ернинг унумдор ёки унумсизлигини айтиб бериши мумкин. Лекин афсуски, улар ўзларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида зарур нарсаларни билишмайди. Ахир, ўзингиз ўйланг, турмушимизнинг фаровон бўлишига ҳисса қўшаётган, дастурхонимизни тўкин қилаётган шу деҳқон эмасми?

Умуман олганда, деҳқон-фермер хўжаликларини ҳуқуқий ҳимоялаш, хўжалик раҳбарларининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида шу эзгу ишни бошлашга киришдик.

Бундан ташқари марказимиз ҳимоячилик билан боғлиқ барча турдаги фаолият билан шуғулланиб келмоқда. Бизда хизмат кўрсатаётган адвокатлар Ўзбекистон Республикаси адвокатлар уюшмасининг аъзоларидир. Улар фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар: тергов идоралари, суд ва бошқа маъмурий идораларда одамларнинг энг яқин мададкори бўладилар.

Ташқи иқтисодий алоқа фаолияти билан шуғулланувчилар ҳам марказ мутахассисларининг ёрдамидан фойдаланишлари мумкин. Улар ташқи иқтисодий фаолиятга тегишли барча ҳужжатлар билан батафсил таништирилади.

Фаолиятимиз доирасини кенгайтиришимиз учун қилинадиган режаларимиз салмоқли. Биринчи галда суд, прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, нотариал идоралари билан ҳамкорликдаги ишлар қамровини янада ошириш ниятидамиз. Маълумки, ривожланган мамлакатларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тажрибаси анча катта. Чет эллардаги моҳир ҳуқуқшунослар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида тадбирий чоралар кўрмоқдамиз. Чет давлатларда ишбилармонлик, тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган ватандошларимизнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий Осиёда ягона янги бўлимни бизнинг марказда ташкил этиш режалаштирилган.

Хуллас, биз адолатли фуқаролик жамияти сари бораяпмиз. Унда адолат, қонун, ўзаро бурчдорлик муносабатлари муҳим омилдир. Шу боисдан ҳам шахсларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий тарбияси энг долзарб муаммолардан биридир. Албатта, ҳар бир шахс ёки раҳбар барча қонунларни ўзлаштириши қийин. Лекин қонунчиликнинг умумий асосларини ҳамма билиши шарт. Бизнинг марказимиз доимо хизматингизга тайёр.

**Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бош директори.**

• Прокурор ҳаётидан



__Суҳбатдош ҳақида:__
**Турғунбой Сагатов, 1980 йилда ТошДУ ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Прокуратура идораларида 19 йилдан буён ишлаб келмоқда. 1997 йилнинг 1 майидан бошлаб Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани прокурори лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Адлия маслаҳатчиси. «Прокуратуранинг фахрий ходими» унвони билан тақдирланган.**

# ҲАЛОЛ ИШЛАГАН РАҲБАР

## *одамлар юзига қарашдан чўчимайди.*

Республика прокуратурасининг Марказий маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда иштирок этган Турғунбой ака ижодий фаолиятимиз билан яқиндан танишиш мақсадида таҳририятимизга ташриф буюрган экан. Шу баҳонада прокурор билан мухтасаргина суҳбат қурдик.

__- Турғунбой ака, маълумки, жиноятчиликка қарши кураш чора-тадбирлари ҳудуддаги вазият, шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Сиз прокурорлик қилаётган туманда бу борадаги устувор вазифалар нималардан иборат?__

*- Мирзаобод тумани асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги боис, фаолиятимизнинг кўп қирралари ҳам ушбу соҳа билан боғлиқ. Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриш билан узвий ҳолда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ қонун ва қарорларнинг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиб борамиз. Фаолиятимизнинг бу йўналишини талаб даражасига кўтаришга жиддий эътибор қаратганмиз.*

__- Касбдошларингиз, қисқаси, қонун ҳимоячилари ҳақида фикрингиз.__

*- Прокурор-тергов ходимлари қонунлар ижросини назорат қиладиган шахслар бўлганлиги учун аввало, бу ишда ўзлари бошқаларга намуна бўлиш даражасига эришмоқлари лозим. Касбга эътиқод, қонунларга нисбатан ҳурмат ҳар бир ишда ўз аксини топиши керак.*

*Биз ҳам жамиятнинг бир бўлагимиз. Жамият қандай нафас олаётган бўлса, биз ҳам шундай нафас олишимиз даркор, деб ўйлайман. Яъни, давр талаблари асосида ишлаш ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши шарт. Касб шаънига доғ туширмаслик ҳам ана шу билан боғлиқ.*

__- Нима деб ўйлайсиз, раҳбар ва оддий фуқаролар ўртасида қад ростловчи «девор» қайси томоннинг «ғишт»идан бўй кўрсатади?__

*- Раҳбар хоҳласа-хоҳламаса оддий одамлар билан учрашиб туришга мажбур. Негаки, хизмат вазифасининг ўзи шунга мажбур қилади. Лекин, тўғрисини айтиш керак, одамлар назаридан ўзини четга тортадиган, фуқаролар билан йиғинларда, учрашувларда кўз-кўзга тушиб қолишидан чўчийдиган раҳбарлар ҳам кам эмас. Ишонч билан айта оламанки, ҳалол ва пок ишлаган, эл-юрт ташвишида юрган раҳбар қалбининг ўзи одамлар томон етаклайди. Халқнинг қувончу ташвиши билан яшашга ундайди.*

*Аммо, мансаб тегиб қолиб, «ким эдию, ким бўлган»лигини унутган раҳбарлар ҳам орамизда бор. Ўйлайманки, замон шиддатининг ўзи уларни сафимиздан чиқариб ташлайди.*

**Д.ХАЙИТОВ суҳбатлашди.**

• Фотомухбир лавҳаси

# БИРИНЧИ УСТОЗЛАРИМИЗ

Дунёда инсонларга зиё тарқатишдан хайрлироқ иш бўлмаса керак. Қумри Абдуллаева бутун умрини, билим ва тажрибаларини ана шу савоб ишга бахшида этиб келаётган етук мутахассис, фидойи илм соҳибасидир.

Қумри опанинг номи бошланғич мактаблар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Зиёкор олимани нафақат республикамизда, балки Ҳамдўстлик мамлакатларидаги барча ўзбек мактабларининг ўқувчилари, ота-оналар, кенг жамоатчилик танийди ва эъзозлайди.

Қумри Абдуллаева ижодий ҳаёти давомида ўзбек мактабларининг бошланғич синфлари учун 30 дан зиёд дарслик, методик қўлланмалар яратган. 500 дан ортиқ илмий мақолалари ёритилган.

Қумри опа бошланғич таълим методикаси бўйича биринчи фан докторидир. Унинг қаламига мансуб дарсликлар, ўқув қўлланмалар, услубий тавсиялар ўқувчилар, мутахассислар ва мааориф ходимлари томонидан яхши кутиб олинган.



***Сурада: Қ. Абдуллаева (ўртада) ўзи таҳсил олган Занги ота туманидаги 1-ўрта мактабда бугунги кунда ишини давом эттираётган сулола аъзоласи даврасида.***

***Иккинчи суратда эса педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаева томонидан яратилган дарсликлар.***

***__Суратлар ва матн муаллифи А.Маматқулов.__***




# Мактублар, Жавоблар

*Расмий хат*

## ...ХУСУСИЙ ҚАРОР ЧИҚАРИЛДИ

**Сурхондарё вилояти суди «Ҳуқуқ» газетасининг 1998 йил 21 октябрь 42 (54) кунги сонида чоп этилган «Бу қандай бедодлик?» номли танқидий мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.**

Фуқаролик иши ҳолатларига кўра, даъвогарлар Олимназар Боймуродов ва Турсуной Бозорова Жарқўрғон тумани «Сурхон» ширкатлар хўжалиги марказида шахсий тураржойда яшаб келиб, 1995 йил август ойида Термиз шаҳрига кўчиб келиш мақсадида ўзлари яшаб турган уй-жойларини сотмоқчи бўлади. Онаси Хадича Боймуродованинг маслаҳати билан уйни акаси Бозор Боймуродовга сотишга келишишади. Бозор Боймуродов укаси Олимназар Боймуродовнинг уйи ўзи яшаб турган уйдан шароити ва ҳудудий жойлашиши бўйича афзаллиги туфайли, яхши турар жойга эга бўлиш мақсадида укасининг уйига кўчиб ўтишга розилик беради.

Ўзаро келишувга кўра Бозор Боймуродов ўз уйини Рўзибой Чориевга 58 минг сўмга сотиб, пулини Олимназар Боймуродовга беради ва Бозор Боймуродов Олимназар Боймуродовнинг уйига, Рўзибой Чориев Бозор Боймуродовнинг уйига ўзаро келишувга кўра кўчиб ўтади. Олимназар Боймуродов эса Термиз шаҳрига кўчиб кетади.

Олимназар Боймуродов 1995 йил август ойидан Термиз шаҳрида яшаб, тижорат ишлари билан шуғулланади, ишлари юришмагач яна «Сурхон» ширкатлар уюшмасига қайтиб боришга мажбур бўлади ва 1996 йил март ойидан 1997 йил декабрь ойига қадар онаси Хадича Боймуродованинг уйида оиласи билан яшайди.

Олимназар Боймуродов акаси Бозор Боймуродов билан ўрталарида уй юзасидан қонуний олди-сотди шартномаси тузилмаганини асос қилиб, Бозор Боймуродовни уйдан чиқариш ҳақида Жарқўрғон туман судига даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Жарқўрғон туман суди (судья А.Рўзиқулов) мазкур фуқаролик ишини 1998 йил 15 апрель кунида суд мажлисида мазмунан кўриб чиқиб, даъвогарлар Олимназар Боймуродов ва Т.Бозороваларнинг даъволарини қаноатлантириб, жавобгарлар Бозорбой Боймуродов ва П. Боймуродоваларни Жарқўрғон тумани «Сурхон» ширкатлар уюшмаси ҳудудида жойлашган, Олимназар Боймуродовнинг номида бўлган уй-жойдан чиқариш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган.

Сурхондарё вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати (маърузачи А.Бобокелдиев) ишни жавобгарлар Бозорбой Боймуродов ва П. Боймуродовларнинг кассация шикоятларига асосан кўриб чиқиб, 15 июнь 1998 йилдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз ўз кучида қолдирган.

Сурхондарё вилоят суди раисининг назорат тартибида келтирилган протестга кўра, ушбу фуқаролик иши 1998 йил 27ноябрь кунида вилоят суди Раёсатида кўрилиб, 1-босқич судининг мазкур фуқаролик иши юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори ва шу қарорни ўзгаришсиз қолдирган вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан бошқа суд таркибида кўриш учун Қумқўрғон туман судига юборилган.

Шунингдек, юқорида қайд этилган фуқаролик ишини мазмунан кўриб ҳал этилишида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун судья А.Рўзиқулов ва вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида маъруза қилган вилоят судининг судьяси А.Бобокелдиевларга нисбатан хусусий қарор чиқарилган.

**Н.САТТОРОВ,**
**Сурхондарё вилоят судининг раиси.**

*Изтиробли хат*

## ДАРДИМНИ ЁЗМАЙИН, ДЕСАМ...

*Мен «Ҳуқуқ» газетасининг ҳар бир сонини севиб ўқийман, кейинги сонларини интизорлик билан кутаман.*

*«Ҳуқуқ» газетасининг 1998 йил 2 декабрь сонида «Ҳар бир ота-она ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» (Асосий Қонунимизнинг 64-моддаси) деб ёзилганини кўриб, сизларга хат ёзишга қарор қилдим.*

*Дардимни сизларга ёзмай десам, бу ёқда...*

*Ўзим нафақадорман, турмуш ўртоғим 1-гуруҳ ногирони. 1981 йилнинг октябрида яхши ниятлар билан қизимизни турмушга берган эдик. Дастлаб қизим билан куёвим ҳавас қилса арзигулик тинч-иноқ яшашди. 4 та фарзандли ҳам бўлишди. Илгари ҳам тез-тез ичиб турадиган куёвим, кейинчалик бутунлай ичкиликка берилиб кетди. Ичкилик кирган уйдан барака, тотувлик қочар экан.*

*Эри ичиб келган кунлари қизимга ҳам, болаларига ҳам кун йўқ. Болалари қўрқиб қўни-қўшнисиникига кириб бекиниб олишарди.*

*Энди невараларим катта бўлиб қолишди. Қизим 1994 йилдан бери болалари билан меникида яшаяпти. Шу вақт ичида эри бир марта ҳам «нега кетиб қолдинг» деб излаб келмади.*

*Ўзи ҳеч қаерда ишламайди, яна катта ўғли ишдан келса ундан ҳам ароққа пул сўрайди. «Пулим йўқ» деса, пўписа қилиб, жанжал кўтаради.*

*Мана катта ўғли ҳам вояга етиб қолди. Уни уйлантириш керак. Қизи ҳам балоғат ёшига етган. Бирор жойдан совчи келса, қандай узатади? Отанинг аҳволи шу бўлса...*

*Қизимнинг қайнотаси касал. Қайнонасига ҳам қийин. Улар ҳам ўғлини нима қилишни билмай қолишган. Маҳалла қўмитасида ҳам куёвимнинг ахлоқини муҳокама қилишди. Ҳеч қандай фойда бермади. У ота-онаси, икки укаси билан бир ҳовлида яшайди. Улар билан ҳам алоқани узган. Уйига ҳеч кимни киритмайди, ҳатто болалари борса ҳам қувиб ҳайдайди. Ўз болаларини соғинмайдиган одам ҳам бўларкан-да.*

*Ҳозир у нима ишлар қилаяти, нима билан машғул, билмаймиз. Ҳамма ўзидан тинсин экан. Мен қачонгача қизимни 4 боласи билан боқиб ўтираман? 4 та келиним бор. Қизим қачонгача улар билан бирга туради? Қизимнинг ўзи эри билан ажрашишини ҳам, ярашишини ҳам, қаерга мурожаат қилишни ҳам билмайди. Қачонгача шундай юради? Ичкиликбозликка ружу қўйиб оиласи, болалари тақдирини ўйламайдиган оталарга ҳам бирор чора-тадбир бордир, ахир.*

**Маҳфуза Саидова,**
**Тошкент шаҳар «Янги себзор» маҳалласи, 13-уй, 166-хонадон.**

**Таҳририятдан:**

Ҳурматли онахоннинг дил изтироблари битилган бу мактуби бизни ҳам чуқур ўйга толдирди. Она ўз қизининг оиласи қучоғига қайтишини, бахтли, иноқ яшаб кетишини истаяпти. Аммо...

Хатдан кўринадики, барбод бўлган оилани қайта тиклашда муаммолар бор, лекин бу муаммолар биз ўйлаганчалик чигал эмас. Ассоий масала шундаки, биз ажралиш даражасигача етган эр-хотинлар муаммосига лоқайдлик билан қарайдиган бўлиб қолдик.

Маҳалла қўмитаси жим, қўни-қўшнилар жим, қариндош-уруғлар, қуда томонлар жим. Милиция участка вакили бундай ишни ўзига бошоғриқ деб билса, хотин-қизлар кенгашлари, маҳалланинг обрўли оқсоқоллари ўзини четга тортса, оилавий ажралишларнинг олдини ким олади?

Биз бу муаммога уларнинг эътиборини қаратиш мақсадида онахоннинг мактубини чоп этишга жазм этдик. Зеро, ҳар бир ота-она ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга бурчли экан, аввало оилалар бузилмасин. Айниқса, ушбу Аёллар йилида муҳтарам аёлларимизнинг ташвиш ва дардларига шерик бўлиш, уларнинг бахтли турмушларини таъминлаш учун қўлимиздан келган барча ишларни қилишимиз керак.

Ўйлаймизки, онахоннинг мактуби маҳалла қўмитаси оқсоқолларини, туман прокуратураси ва ИИБ мутасаддиларини бефарқ қолдирмайди ва улар оилани тиклашда ҳар томонлама ёрдам берадилар.



Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг қабулхонаси.

Рустам ШАРИПОВ сурати.

*Умидли хат*

## «МОСКВИЧ» ОРТИДАН БЕШ ЙИЛ

***Ҳурматли редакция!***

*Ўзбекистонда «Ҳуқуқ» юридик газетаси чиққанини кўриб жуда қувондим. Келажакда «Ҳуқуқ» - инсонларнинг энг яқин дўсти, маслаҳатчиси бўлиб қолишига ишонаман.*

*Сизларга мурожаат қилишимнинг боиси, мен Ангрен шаҳридаги «Янги Ангрен» ГРЭСида ишлаган вақтимда 1990 йилда чиқарилган мақсадли фоизсиз давлат заёми асосида 2141 русумли «Москвич» автомашинасини олиш ҳуқуқига эга бўлганман.*

*Заём шартларига кўра эса товар 1993 йилгача берилиши керак эди. Мана бахтли кун келишини кута бошлаганимга ҳам 5 йил ўтди.*

*Шу вақт ичида бир қанча юқори турувчи органларга мурожаат қилдим. Лекин, улардан ҳозиргача ҳеч қандай ижобий жавоб ололганим йўқ.*

*Ҳозир ёшим бир жойга бориб қолди. Менга XX асрда шахсий машина миниш насиб этармикин?*

**Ҳурмат билан С.Аминов.**

---

**Республика прокуратураси томонидан фуқаро С.Аминовнинг аризаси кўриб чиқилди.**

**Аниқланишича, С.Аминов Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги «Янги Ангрен» ГРЭСида ишлаган вақтида 1990 йилда чиқарилган давлат мақсадли фоизсиз заёми асосида Москвич-412 русумли енгил автомашинаси олиш ҳуқуқига эга бўлган.**

**Собиқ СССР тугатилиши муносабати билан заём бўйича берилиши лозим бўлган автомашиналар берилмаган.**

**Ҳозирги вақтда ушбу масала Ўзбекистон Республикаси мутасадди идоралари томонидан кўриб чиқилаётганлигини маълум қиламан.**

**Ҳ.МАҲМУДОВ,**
**Республика прокуратураси умумий назорат бошқармасининг бошлиғи.**

*• Ҳуқуқий ҳаёт*

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Сирдарё вилоят прокуратурасининг ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратура идораларининг 1998 йил иш якунлари ҳамда 1999 йилда амалга ошириладиган вазифалар муҳокама этилди. Бу ҳақда вилоят прокурори вазифасини бажарувчи Э.Бердимуродов маъруза қилди. Шундан сўнг вилоят прокуратураси бошқарма ва бўлим бошлиқлари, шаҳар ва туман прокурорларининг ахборотлари тингланди.

Ҳайъат мажлисида Республика прокуратураси бўлим бошлиғи Ж.Субҳонқулов қатнашди ва сўзга чиқди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***

Гулистон шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишида шаҳар ҳудудида 1998 йилда содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан маҳалла қўмиталари раислари, участка нозирларининг келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Йиғилишни кенгаш раиси, шаҳар прокурори Дўстмурод Холбоев кириш сўзи билан очиб, фуқаролар йиғинлари раисларининг жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўз ваколатларидан етарли фойдаланмаётганликларини, участка нозирларининг фаолияти сусайиб кетганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А.Мусаев, шаҳар прокурори катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси Ҳ.Мусаевнинг маърузалари тингланди.

Маърузалар юзасидан муҳокамада Гулистон шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси М.Нўъмонов, шаҳар ички ишлар бўлими, паспорт бўлими бошлиғи О.Сангалов, тергов бўлими бошлиғи Б.Амирқулов, шаҳар суди раиси вазифасини бажарувчи Р.Норқўзиев, фуқаролар йиғинлари раислари Х.Ўрмонов, Р. Мансуров ва бошқалар сўзга чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгашда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ш.НОРЖИГИТОВ,**
**Сирдарё вилоят прокурори катта ёрдамчиси.**

*• Ҳикмат*

## БОЛАЛАРГА РАҲМДИЛЛИК

**Бир одам келиб, Расули Акрам (А.С.)дан сўради:**

**- Ё Расулуллоҳ! Сиз болаларни ўпасизми?**

**Расули Акрам:**

**- Албатта, болаларни севамиз. Сиз-чи? - дедилар.**

**Ул одам:**

**- Биз болаларимизни ҳеч ўпмаймиз, - деди.**

**Пайғамбаримиз Салаллоҳу алайҳи вассалам ул одамга қараб, бундай дедилар:**

**- Марҳамат этмаган (меҳр кўрсатмаган) кимсага марҳамат бўлмайди, меҳр кўрсатилмайди.**

• Сарҳисоб

# ҚОНУН ВА БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

**Айни кунларда Республика прокуратурасининг қуйи бўғинларида ўтган йилнинг якунларига ва 1999 йилда амалга ошрилажак вазифаларни белгилаб олишга бағишланган ҳайъат мажлислари ниҳоясига етмоқда. Ўтказилган йиғилишларда йил якунлари таҳлил ва сарҳисоб этилганида, масалага ҳар қачонгидан кескинроқ танқидий руҳда ёндошилди. Жорий йилдаги вазифаларни, фаолиятни янги босқичга кўтариш йўналишларини белгилашда йўл қўйилган хато-камчиликларнинг такрорланмаслигига жиддий эътибор қаратилди.**
**Мухбиримизнинг Навоий тумани прокурори, 1-даражали ҳуқуқшунос Ҳиммат Кўчқорович ОҚБЎТАЕВ билан бўлган мулоқотида туман прокуратураси томонидан ўтган йилда бажарилган ишлар ҳамда, бундан чиқарилган дастлабки хулосалар хусусида сўз юритилган.**



- Навоий туман прокуратураси томонидан 1998 йилда қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида маълум ишлар амалга оширилди.

Мазкур йўналишлардаги фаолият иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун, Бош прокурорнинг буйруқлари, юқори турувчи прокуратуралар кўрсатма ва топшириқлари, вилоят, туман прокуратурасининг иш режалари асосида олиб борилди.

Олдимизда турган вазифаларни бажаришга қатъият билан киришдик. Натижада, барча кўрсаткичлар бўйича ижобий натижаларга эришилди. Жиноятчилик аҳволига тўхталадиган бўлсак, 1997 йилга нисбатан ўтган йилда ўта оғир жиноятлар 14 тага, оғир турдаги жиноятлар 52 тага кам содир этилган. Шунингдек, енгил, ўртача тан жароҳати етказишлар, қасддан одам ўлдириш, талончилик, фирибгарлик ҳамда ўғирлик жиноятлари миқдорини анча камайтиришга муваффақ бўлдик.

Жиноятларнинг очилиши ўтган йилдагига нисбатан 89,2 фоиздан 92,2 фоизга яхшиланди.

Маълумки, жиноятлар камайишининг асосий сабабларидан бири ҳудудда жиноятчиликнинг аҳволидан келиб чиққан ҳолда ишни тўғри ташкил қилиш, профилактик ишларнинг самарали йўлга қўйилишини таъминлашдан иборатдир. Бу борадаги фаолиятимиз талаб даражасида ташкил этилганлиги сабабли жамоат жойларида жиноят содир этиш 1997 йилга нисбатан 13 тага камайди. Муқаддам судланган шахслар, гуруҳлар, вояга етмаганлар, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳамда ишламасдан юрган шахслар томонидан жиноят содир этилишнинг ҳам камайишига эришилди.

Фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан ҳисобланган умумий назорат соҳасидаги ишларимизнинг салмоғи ва сифатини оширишга жиддий эътибор қаратдик. Жумладан, 1998 йилда умумий назорат тартибида 107 (1997 йилда 81) та текшириш ўтказилди ва аниқланган қонунбузарликлар юзасидан прокурор таъсир чоралари кўриб борилди. Хусусан, моддий жавобгар ва мансабдор шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди, ўнлаб шахс интизомий ва маъмурий жазога тортилди. 235 та шахс қонун бузилишига йўл қўймаслиги ҳақида расман огоҳлантирилди. Тегишли жойларга тақдимнома, амирнома ва протестлар киритилди.

Кези келганда шу нарсани таъкидлаб ўтишим лозимки, кейинги вақтда жамоат ва давлатга қарашли чорва молларини ўзлаштириш ҳоллари кўпайганлиги кузатилган. Албатта, бунинг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, айбдор шахслар жазога тортилмоқда.

Масалан, фуқаро Б.Бозоров бир вақтнинг ўзида «Ўзбекистон» ва «Кармана» жамоа хўжаликларининг бош чўпони бўлиб ишлаб келган даврида ферма мудири Р.Облоқулов билан жиноий тил бириктириб, 629 бош қўйни талонтарож қилган. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан қўзғатилган жиноят иши якунланиб, суд томонидан одилона ҳукм чиқарилди.

Ўзаро тўловлар тўғрисидаги қонун ижроси юзасидан ўтказилган текшириш давомида эса Кармана шаҳридаги «Туроб» хусусий фирмаси директори Ш.Облоқулов Асака банкининг вилоят бўлимидан олган 290 минг сўмлик кредитни ва фоизини қайтармаганлиги факти бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов давомида олинган кредит фоизлари билан ундирилди ҳамда айбдор тегишли жазога тортилди.

Бундан ташқари, ушбу қонун ижросини бажармаган «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг бош ҳисобчиси Х.Ҳожиев, «Зарафшон» ҳиссадорлик жамиятининг сотувчиси Н.Тошова, тумандаги «Агрохимтаъминот» ҳиссадорлик жамияти омбор мудири Н.Бозоров ва бошқаларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, уларнинг барчаси суд томонидан жазога тортилдилар.

Ўтган йилда тергов сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларимиз натижасида прокуратура ва ички ишлар органларида бу борада ижобий ўзгариш ясалди. Жиноят ишларини қонунда кўрсатилган вақтдан ортиқ муддатда тергов қилиш, «иш»ларни суд ва прокурор томонидан қўшимча терговга қайтариш, фуқароларни қонунсиз сақлаш, жиноий жавобгарликка тортиш ҳолларига йўл қўйилмади.

Прокуратура терговчилари томонидан 1998 йилда 54 та шахсга нисбатан қўзғатилган жиноят ишларини айблов хулосаси билан суд ҳукмига ҳавола этилди. Шунингдек, жамоат манфаатларига айбланувчилар томонидан етказилган жуда катта миқдордаги зарарларнинг деярли 30 фоизи тергов давомида ундирилди.

Прокуратура томонидан ички ишлар бўлими фаолияти ўрганилганда эса мавжуд аҳволни яхшилаш учун қатор чора-тадбирлар кўрилиши лозимлиги аён бўлди. Чунончи, 17 та жиноят фош этилмасдан қолган.

Ички ишлар бўлими ва солиқ инспекциясида жиноят, ариза ва хабарларнинг қайд қилиниши, чора кўрилиши ҳамда содир этилган жиноятларни фош этишга қаратилган тезкор қидирув фаолиятлари туман прокуратураси томонидан доимий назоратга олинди. Ҳар ойда бир маротаба ушбу важлар юзасидан текшириш ўтказиш йўлга қўйилди. Ўтказилган текширишларда ички ишлар бўлими ходимлари томонидан 1 та жиноят ҳисобдан яшириб қолинганлиги аниқланди ва прокурорнинг тақдимномасига асосан жиноятни ҳисобдан яширган участка вакили Т.Набиев ички ишлар тизимидан бўшатилди, ЖООБ бўлинмаси бошлиғи Б. Мусаев ва ЖҚБ вакили Ф. Аслоновга қаттиқ ҳайфсан берилди.

Шунингдек, ички ишлар бўлимида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан ИИБ бошлиғи номига тақдимномалар киритилди ва 6 нафар ходимга нисбатан интизомий иш қўзғатилиб, чора кўриш масаласи сўралди.

Шу нарсани қайд этиш лозимки, туман ҳудудида мавҳум ҳолда содир этилган 2 та қасддан одам ўлдириш жинояти кўрилган чора-тадбирлар натижасида фош этилишига эришилди.

Жумладан, 1998 йил 12 июль куни тахминан соат 15 ларда Навоий тумани Қ.Раҳимов жамоа хўжалиги биноси орқасида фуқаро М. Жўраеванинг қотиллик аломати билан ўлдирилганлиги ҳолати юзасидан олиб борилган тезкор тергов ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни мазкур жамоа хўжалигида яшовчи Иймон Очилов содир қилганлиги аниқланди. Жиноят иши қисқа муддатда сифатли тергов қилиниб, судга оширилди ва қотил вилоят суди ҳукми билан олий жазога ҳукм этилди.

Фаолиятимизни давр талаблари асосида йўлга қўйиш, қонун ва фуқаролар олдида масъулиятимизни кучайтириш, ходимларнинг касб маданиятини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратдик. Фуқароларни қабул қилиш, улардан тушган ариза ва шикоятлар бўйича қонуний чоралар кўриш ишимизнинг салмоқли қисмига айланди. Ариза ва шикоятларнинг 61 таси бевосита прокуратура ходимлари томонидан ҳал этилиб, 13 та ариза қаноатлантирилди. 95 та ариза назоратга олиниб, тегишли ташкилот, муассаса ва органларга юборилди. 110 нафар фуқаро прокуратура ходимларининг шахсий қабулида бўлишди.

Туман прокуратураси ходимлари 1998 йилда ҳудудда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида қатор ютуқларни қўлга киритган бўлсаларда, ҳали амалга оширишга улгурмаган ишларимиз ҳам оз эмаслигини таъкидлаш жоиз. Шу йилнинг 8 январида туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг кенгайтирилган йиғилишида олдимизда турган муаммоларни атрофлича муҳокама қилиб, тегишли чора тадбирлар белгиладик.

Аниқроқ қилиб айтганда, туман ҳудудида иқтисодиётга тажовуз қилиш жиноятлари бирмунча ошганлиги аён бўлди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга доир қонун ва ҳукумат қарорларининг бажарилишида, қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш, ўзаро тўловлар ҳамда ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилишида узилишлар мавжуд. Бундай нохуш ҳолларнинг сабаблари атрофлича ўрганилиб, умумлаштирилди ва уларни бартараф этиш масалаларига жорий йил учун ишлаб чиққан режамизда кенг ўрин берилди. Ўйлайманки, шу асосда фаолият кўрсатсак, юқоридаги каби қонунбузилишларга қатъий чек қўйилади.

**Суҳбатни**
**Дилшод ИСЛОМОВ ёзиб олди.**

• Янги сон




## ЯХШИ НИЯТЛАРИМИЗ ДЕБОЧАСИ

Куни кеча «Қонун ҳимоясида» журналининг январ ойи сони босмадан чиқди. Бизнинг содиқ, доимий муштарийларимиз сезган бўлишса керак, журнал муқоваси ўз кўринишини ўзгартирди.

Аммо йил давомида журналимизнинг мазмун-мундарижасини сақлаб қолишга, мақолаларнинг ранг-баранглигини таъминлашга, ҳар томонлама бойитиб боришга ҳаракат қилмоқчимиз. Ушбу сон барча яхши ниятларимизнинг дебочаси бўлиб қолса ажаб эмас.

Дастлабки саҳифаларда Республика прокуратураси айрим бошқарма ва бўлим бошлиқларининг таҳририятимиз томонидан берилган қатор саволларга жавоблари «Демократик янгиланиш даврининг ҳуқуқий тафаккури» умумий сарлавҳаси остида эълон қилинган.

Бундан ташқари «Қонун ҳимоясида» анкетаси» рукнида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раиси У.Мингбоев, Тошкент шаҳар прокурорининг 1-ўринбосари Б.Ҳақназаров, «Ватан» газетаси Бош муҳаррири Ҳ.Олимжоновларнинг ҳуқуқий маданият масалаларига доир фикрлари билан танишасиз.

Ўқувчиларнинг диққатини тортадиган яна бир мақола «Олий жазо - сўнгги жазо эмас» деб номланган. Ҳуқуқшунос Б.Пўлатов билан журналист Т.Акбаров олий жазо билан якун топган жиноят ишлари асосида баҳс юритишиб, бундай жиноятлар қайталанмаслиги учун ҳам бу ҳақда кўпроқ гапиришимиз керак, деган фикрни илгари суришади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг баъзи масалалари хусусидаги «Омбудсман ва прокуратура», экологик муаммолар масаласига қаратилган «Сув-гавҳар» мақолаларида кўтарилган мавзулар ҳам кўпчиликни бефарқ қолдирмайди.

«Жиноятнинг илдизи» «Машъум жиноят ва олий жазо» ва бошқа шу руҳдаги қатор мақолалар журналимизнинг доимий бериб бориладиган мавзулари сирасига киради. Уларда одатдагидек бирор жиноят тафсилотлари билан бирга бундай жиноятларнинг келиб чиқиши ва оқибатлари таҳлил этилган.

Тарих фанлари докторлари Ҳ.Содиқовнинг «Искандар фожиаси», Ҳ.Узоқовнинг «Пантуркизм» номли мақолалари ҳам муштарийларни анча маълумотлардан воқиф қилади. Ҳар иккала муаллиф ўз чиқишларида тарихимизнинг номаълум қирраларини баён қилишган.

«Нигоҳ» рукнида «Америкадан мактублар», «Ҳинд кинопродюссерининг ўлими» каби қизиқарли мақолалар бор.

**Нодир МАҲМУДОВ,**
**журналнинг масъул котиби.**

• Хулосалар бекатидаги одам

# МЕНИНГ БОЛАМ ЭДИНГ-А, БОЛАМ

Кампир эшикка суяниб қолди. Кўзларидан думалаётган томчиларни тўхтатишга ҳар қанча уринмасин, эплай олмади. Ичидан йиғига қўшилиб жони ҳам отилиб чиқаётгандек туюлар, ҳиқиллаб қолар, аммо тўхтаёлмасди. На Тангрига илтижо қилишга ва на нафас ростлашга мажоли бор эди.

Қариндошлари уни ичкарига олиб киришди. Ниҳоят, ундан уч-тўрт ёш чамаси каттароқ кампир тилга кирди:

- Бўлди-да энди, нима, боласи ўлган битта сенми? Қолаверса... яхши бўлсайкан, яхшийди, кетди, десанг. Ўзининг бошини ўзи еди. Қайтанга қутулганингга шукр қилсанг-чи.

- Болам ёмон... ёмонмасди, - кампир пичирлади. - Ёмон бўлса куймасдим... Яхшийди... Болагинам мўмин эди, юввош эди, бировга озори йўқ эди...

- Оббо, худо, яхшиси шу бўлса, ёмони қандай бўларкан, - аёллар бири олиб, бири қўйиб гапга тушиб кетди.

- Емай едирдингиз, киймай кийдирдингиз. Нима бўлди? Ташлаб кетди. Шуми раҳмати.

- Э, кечирасизу, одамлар ўзининг боласига бунча меҳрибонмас, сиз бўлсангиз қаёқдаги бегона... ота-онасининг тайини йўққа аза очасиз.

Кампир инграб юборди:

- Нима... нима... Ота-онасининг тайини... йўқ... у... мени болам, мени. Ўзим туққанман, ўзим...

Оғзидан гап қочирган аёл тилини тишлади. Хонани совуқ сукунат қоплади. Кампир мажолсиз қийшайди...

... Раҳима эри билан беш йил яшади. Фарзандли бўлишмади. Бормаган дўхтири, учрамаган табиби қолмади. Фойдаси бўлмади. Охири, эр-хотин ажрашдилар. Эри уйланиб, бола-чақали бўлиб кетди. Раҳима бошқа турмуш қилмади. Ота ҳовлисига кўчиб ўтиб яшайверди... Ёлғизликнинг азобини илк татиб кўрган чоғида даҳшатга тушди. Тонг саҳарда туриб ишига югурар, шом қоронғусида қайтиб келарди. Кечалари ухлолмай алаҳсираб чиқар, уй уни ютиб юборадигандек туюлар, бошини қайси тошга уришни билмай, қийналар, эрталабгача йиғлайвериб, кўзлари шишиб кетар, саҳармардондан ишга чопарди. Улар ота-онадан иккита қиз эдилар. Опаси икки-уч кунда келиб хабар олиб турар, дарров келиб, дарров кетарди.

- Биласан-ку, поччангнинг жаҳли тез. Бу ёқда болалар...

- Опа, шу... болаларингизнинг биттасини менга беринг, мениям бағрим тўлсин...

- Жон деб берардиму... - опаси хўрсинди. - Поччангга неча бор ялиниб кўрдим. Хотини ўлган биронтасига эрга тегсин-да, ўшаларнинг боласини боқиб ўтираверсин деяпти.

- Опа, ахир, тушунасиз-ку, соғлиғим ёмон, бошқа турмуш қуролмайман...

- Қайсарлигинг бошингни ейди сани. Билганингни қил, барибир бировнинг гапини тингламайсан...

Худонинг Раҳимага атагани ҳам бор экан. Талаба қизларни ижарага қўйди. Уйи тўлиб қолгандек бўлди. Қизлар билан чуғур-чуғур қилиб асаблари ҳам жойига тушгандек эди. Ўзини анча яшариб қолгандек ҳис қилди.

Гарчи қизлар уйини тўлдириб турган бўлса-да, бағрини тўлдиришолмади. Улар бир куни кетишини, яна ёлғиз қолишини ўйлаб эзила бошлади. Шундай кунларнинг бирида қизлар ғалати гап топиб келишди.

- Битта гуруҳдош қизимизни йигити ташлаб кетибди. Шунақа мотам тутяпти, асти қўяверасиз, бечоранинг бўйида бормиш.

Раҳиманинг калласига бошқа хаёл келди.

- Шу болани мен асраб олсам-чи.

Қизлар анграйиб қолишди. Елка қисиб қўйишди. Аммо уч-тўрт кундан кейин ўша қизни бошлаб келишди. Раҳима қизни бола туғилгунча парваришлади. Туғилгач, болани ўзининг номига расмийлаштириб олди. Энди бағри тўлгандай эди. Болага Салоҳиддин деб ном берди. Бор меҳрини бериб парваришлади. Орадан йиллар ўтиб, Салоҳиддин келишган, хушбичим йигит бўлиб вояга етди. Раҳиманинг кўнгли тоғдек кўтарилар, боланинг раъйига ҳеч қарши бормас, кеча-кундуз ишлаб пул топар, болани бойваччалардек ясатиб қўярди.

Кунларнинг бирида уйига маҳалладаги нуроний чол кириб келди. Ундан-бундан суҳбатлашиб ўтирди. Ниманидир айтишга истиҳола қилиб турганини Раҳима сезди.

- Ота, бирон нима демоқчисиз, шекилли...

- Шу-чи, - яна каловланди чол. - Дилингни яралагим йўғу, аммо айтмасам бўлмайди. Боланг... ёмонларга қўшилиб қолганми дейман-да.

- Нималар деяпсиз?! - Раҳиманинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.

- Шу... Бир-икки марта қора машинада кетаётганини кўрдим. Машинанинг эгасини мен яхши танийман. Икки-уч марта қамалиб чиққан ўғри. Машинасида кўпинча аллақандай қизлар бўлади... Шу... энди ҳаётда ҳаммаям адашади. Болангнинг олдида отаси бўлмагандан кейин, уни йўлдан урувчилар кўпаяди. Ҳар хил одам бор-да, ҳаётда. Шу... ўзинг бир насиҳат қилиб кўр.

Чол чиқиб кетгач узоқ йиллардан кейин Раҳиманинг кўзида яна ёш айланди. Ўғли мактабдан келишини пойлай бошлади. Аксига олиб Салоҳиддиндан дарак йўқ эди. Қоронғу тушгач, ҳовлига чиқиб ўтирди. Келавермагач, кўчага чиқди.

Кимдир елкасидан тутгандай бўлди. Сапчиб тушди. Салоҳиддиннинг синфдоши.

- Нима қилиб ўтирибсиз, хола?

- Вой, ўртоғингни кутиб ўтирувдим, болам. Кўзим илинибди. Қоронғиям тушиб қолибди.

- Қоронғу... - йигит кулди. - Тонг отай деб қолди, хола.

Раҳиманинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. «Тонг... болам... болам қаердасан?..»

Салоҳиддин шу йўқолганича тўрт кун деганда пайдо бўлди. Раҳиманинг кўнглига ҳеч нарса сиғмай, туз ҳам тотмаганидан рангида ранг қолмади. Салоҳиддинни кўриб кўзи яшнаб кетди.

- Болам... келдингми, болажоним? - Ўғлини қучоқлаб бағрига босди. Шу алфозда димоғига урилган қўланса ҳиддан нафаси тиқилди.

Сесканиб тушди. Барибир, соғинч устун келди. Ўғлининг юз-кўзларини силаётган эди, Салоҳиддин итариб ташлади.

- Боламмиш... Нима, мани асраб олганингизни билмайманми? Фақат кўз ёши қилиб асабимни ўйнатманг... Уйқум келаяпти, - Салоҳиддин бармоқларини ўйнатди-да, хонасига ўтиб кетди.

Раҳима тахтадай қотиб қолди. Йиқилди. Ҳушига келганида хонаним қоронғу эди. Инқиллаб ўрнидан турди. Аъзойи бадани қақшаб оғрирди. «Вой, касал бўлганимни... Болам учун асрашим керак ўзимни». Чироқни ёқди. «Овқат қилишим керак... Ўғлим бечора очиқиб қолгандир». Амал-тақал қилиб овқат пиширди. Боласини уйғотиб чиқди. Иккаласи жимгина ўтириб овқатланишди.

- Болам, - Раҳима йиғламсираб гапирди. - Бунақа йўқолиб кетмагин-да. Биласан, хавотир оламан.

Салоҳиддин жилмайди. Келиб онасини қучди.

- Энди бўп қолди-да...

Раҳима ўғлининг сочларини силади.

- Ҳалиги, - Салоҳиддин ўсмоқчилиб гап бошлади. - Бувимдан қолган олтинлар бор-а, опа.

- Ҳа, болам, нимайди?

- Яқинда мактабни битираман. Битта «Жигули» обермайсизми?

Раҳиманинг кўнгли равшан тортди.

- Майли, болам, обераман. Фақат унақа йўқолиб қолмагин. Сендан бошқа кимим бор менинг. - Раҳиманинг кўзлари ёшланди.

Салоҳиддин онасининг юзларидан ўпдида, хонасига кириб кетди. Раҳима деворга суянди. «Наҳотки, бу болада менга меҳр йўқ... Ахир, нимага? Қаерда адашди? Ортиқча эркалатиб юбордиммикин? Ташлаб кетса-я... Нима қиламан... Онамнинг тиллалари уни асраб қолишга ёрдам берармикин? Машина обераман... Бағримда юрсин шу бола».

Ўғлининг мактабни тугатар кечасига оппоқ «Жигули» совға қилди. Машинанинг калитини бераётиб, насиҳат қиламан, ёмонларга қўшилма дейман, деб хаёл қилганди. Айтолмади. Боласини хафа қилгиси келмади. Салоҳиддиннинг ўзиям кўчада ётиб қолмади бошқа. Опа-опалаб атрофида парвона бўлиб қолди. Раҳиманинг кўнгли барибир бутланмади. Бир чеккаси ғаш бўлиб қолаверди.

«Уйлантириб қўйсам уйга яна боғланади». Шу хаёл билан тараддудга тушди. Салоҳиддинга айтган эди, камтарлик билан ўзингиз биласиз, деди. Ўғлининг ўзига келиб қолганидан аёл қувонди. Ёшлик қилиб бир адашган экан, ўзига келиб қолди деб ўйлади. Аммо... Тоғаси уйига хўмрайиб кириб келганида, сесканиб тушди. Тоға салом-аликни йиғиштириб, мақсадга кўчди.

- Боланг бир ҳафтада қайтараман деб 500 сўм олганига икки ой бўлаяпти. Инсоф керак-да одамга.

Раҳима тўйга деб анча-мунча йиғиб қўйганди. Дарров тоғасининг қўлига тутқазди.

- Тўй тараддуди билан овора бўлиб эсимиздан чиқибди, узр.

Раҳима машинкада бехато ёзганлигидан, кўплар таърифини эшитиб қолган диссертация ҳимоя қилмоқчи бўлганлар ундан илтимос қилишар, болам ҳеч нарсага зор бўлмай ўссин дея Раҳима уларнинг буюртмаларини эътирозсиз қабул қиларди. Ҳунарининг орқасидан озми-кўпми пул ҳам жамғарди. Тоғаси пул сўраганига хафа бўлмади. «Майли, олса олгандир. Шу болага атаб йиққанман-ку, барибир». Ўғлига ҳам гапирмай қўя қолди. Пулни деб уни ўзидан совутгиси келмади.

Ниҳоят, келин ҳам топишди. Тўй куни ҳам белгиланди. Бир ҳафта вақт қолган эди.

Уйларига нотаниш бир киши кириб келди. Кайфияти тушкун эди. Раҳиманинг юраги ўйнаб, гапини кутди.

- Салоҳиддин авария қилиб қўйди. Шифохонада ётибди.

Раҳима апил-тапил кийиниб, ўғлини кўргани борди. Яхшиям, жароҳати унчалик оғир эмас экан. Бир ҳафтада тузалиб қолди. Тўйини яна бир ҳафта орқага суришди. Икки машина тўқнашиб қолган, айб Салоҳиддинда бўлган экан. Раҳима иккала машинани ҳам таъмирлатиб берди. Тўй ҳам ўтди. Ҳаммаси яна изига тушиб кетгандек эди.

- Опа, «дом»дан бир хонали квартира оберинг, - деб қолди Салоҳиддин.

- Вой, нега?

- Энди йигит кишининг ошнаси кўп. Нима, сизларни босқилаб уларни уйга олиб келаманми?

Раҳима яна ўғлининг раъйини қайтармади. Ой-куни яқинлашиб, келинининг кўзи ёрийдиган бўлди. Бир қувонди, бир қувонди.

Ниҳоят, уйига ростданам файз киргандек бўлди. Аммо, шифохонага суюнчи бергани борган онанинг кўнглини хуфтон қилишди.

- Келинингиз ўғил кўрди. Аммо... болани беролмаймиз, у ногирон.

(Давоми 6-бетда).



Тўй яқин.

Х.МАМАТҚУЛОВ олган сурат.

• Биз шундай халқмиз!

# МЕҲР ҚОЛУР...

Фарзандлар улғайган сари уларнинг тарбияси ва келажаги ҳар бир ота-онани ташвишга солади.

Атрофга, оилаларга назар ташлайсиз. Улардаги муҳит, фарзандларининг феъл-атвори ҳақида ўйлайсиз, хулоса чиқарасиз.

Қуйида икки хил оила ва икки хил тарбия ҳақида фикр юритамиз. Улар ҳақида фикр юритиш, хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

Ҳаким домланинг аёли боғчага ошпаз бўлиб ишга кирди. Ҳанифа опа бир йилда таниб бўлмайдиган даражада семириб кетди. Юрагиям отнинг калласидек келар экан. Чунки опа на мудирадан ҳайиқади, на болаларнинг ҳақидан қўрқади. Икки-уч йил ўтиб Ҳаким ака машина олди, маошига қаноат қилмай, мева-чева сота бошлади. Ўқитувчилар айни ёз пайти дам олмайдими. Худди ана шу таътилни Ҳаким домла гоҳ Тошкентда, гоҳ Чимкентда ўтказди. Унинг дарсларидан путур кетди.

Йиллар ўтиб катта ўғли ўғирлик билан қўлга тушиб қамалиб кетди. Орадан бир йил ўтиб, иккинчиси қамалди. Домла ҳеч кимга қўшила олмай қолди. Икки йилда соч-соқоли оқариб, таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Ҳанифа опа ҳам касалликка чалинди. Учинчи ўғилга чор-атроф қизини бермади. Узоқроқ қариндошига уйланишга мажбур бўлган учинчи ўғил фарзандсиз.

Бу бахтсиз оиланинг фожеаси ҳақида кўп ўйлайман. Наҳотки Ҳаким домла мураббий бўла туриб фарзандларини тарбиялай олмади? Тавба дейман. Ва ўйлайманки, ҳаммаси онадан. Онаси озгина рўзғорга нон топиб келтирган киши бўлиб, отани назар-писанд қилмай қўйди. Яна бир сабаб, фарзандларни ҳаром луқма билан тарбиялади.

Иккинчи оилада ҳам уч ўғил улғайди. Оила бошлиғи энг кичик ўғли бир ёшга тўлмай дунёдан ўтди. Бу бевақт ўлимдан она қаттиқ қайғурди. Кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Унинг бу ҳолини кўрган онаси қизига қаттиқ гапирди:

- Ҳа, сен ҳам эрингнинг ортидан жўнавормоқчисан? Билиб қўй, сендан кейин болаларингни боқишга менинг кучим етмайди. Бечораларингни етимхонага топширишдан бошқа иложим йўқ!

Табиийки, бу гапларни онаси куйганидан айтган. Кейинчалик, уни ўғилларига кулиб-кулиб айтиб берди.

Ана шундан кейин она уч полопони, уч паҳлавони учун яшади.

Каттаси Мирзараҳим медицина техникумида ўқиди. Отаси раҳматлининг касбини эгаллади. Мустақилликдан кейин ҳам ишлади, ҳам тижорат билан шуғулланди. Укасини уйлади. Ҳовли-жой солди. Буларнинг ҳаммаси меҳнат орқали бўлди. Дастлаб соат 4 да туриб айрон тайёрлаб сотди. Дўкон очди. Ёнига укаси қўшилди. Энг кичигини институтга кириб ўқиши учун шароит яратиб берди. Ҳозир Ёдгоржон юридик институтида ўқияпти. Оқила опа чиндан оқила экан. Мана энди икки келин ардоғида.

Ўғиллари маҳалла кўйдан ёрдамини аямайди. Ўзлари етимликнинг азобини тортгани учун, етим-есирларга ёрдам беришни унитмайди.

- Болаларингизни қандай тарбиялагансиз, - деб сўрадим Оқила опадан.

- Билмадим. Кўплар учун уларнинг ўзлари улғайиб қолгандек туюлар. Лекин бунинг учун йиллар керак бўлди. Мен уларга меҳр бердим. Болаларимни меҳнатга, мустақил ҳаракат қилишга ўргатдим. Бор гап шу.

Абдураҳмон ЖЎРА.



Ўзбекистон мадҳиясини айтиб берайми?

Х.МАМАТҚУЛОВ олган сурат.

• *Суд ҳукми ўқилди*

# ОХИРАТДАН ҚЎРҚМАГАНЛАР

Самарқандлик, 1962 йилда туғилган Нормамат Гафаров 22 ёшиданоқ жиноятчи деган ном олди. У одил суд томонидан қилмишига яраша жазоланиб, уч йилга озодликдан маҳрум этилди. Аммо шунда ҳам тавбасига таянмади. Аксинча, баттар айниди. Гиёвандликка ўрганди. Ҳатто, турли наркотик моддаларни томирига укол қилишдан ҳам ҳазар қилмади.

Кунларнинг бирида унинг гиёвандлиги ўз жисмига озор етказди. У карахт ҳолатда ўзи ишлаб турган даврида «Красний двигатель» заводидаги станокда чап қўлини эҳтиётсизлик сабаб кесдириб олади. Оқибатда, учинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Бир қўлидан ажралган бу ногирон йигитга давлатимиз нафақа тайинлади. Нормамат шу нафақага эл қатори яшаб турса бўларди. Бироқ, унга гиёванд моддалар сотиб олиши учун анча-мунча пул урвоқ ҳам бўлмасди. Боз устига ҳамон бўйдоқ эмасми, енгилтак аёллар билан айш қилишга ружу қўйди. Дуч келган эркак билан алоқа қилиб кетаверадиган, ўзи каби гиёванд Хадича Рустамова билан танишиб, никоҳсиз эр-хотин бўлиб олди. Бир-бирини қоронғуда топган бу «кўр»лар ижарага уй олиб, яшай бошладилар.

Аммо Хадичанинг отаси уларни қидириб топиб, қизини уйига олиб кетди. Нияти фарзандини ўз паноҳига олиб, қайта тарбиялаш эди. Бироқ, қизининг кўнгли енгил-елпи ҳаётни қумсашини қўймади. У яна ўз уйидан кетиб қолди. Нормамат ҳам бу «севгилиси»ни қидириб бормаган жойи қолмади. Охири, у ишлаган Самарқанд шаҳрининг «8 март» фабрикасидан суриштириб, Хадичанинг Рудакий кўчасидаги 122 «а» уйнинг 38-хонадонида яшаётганлигини аниқлайди.

Бу хонадон соҳибаси ёлғиз кампир Грануша Акопжанян эса уйини хуфёна фоҳишахона қилиб қўйган бўлиб, мижозларининг бири келиб, бири кетиб турарди. Собиқ мижози - Хадичанинг қайтиб келгани айни муддао бўлди. Кампир унинг ҳисобидан ҳам «соққа» ишлай бошлади. Кунларнинг бирида «жонони»ни излаб Нормамат кириб келди ва бу ерга вақти-вақти билан ташриф буюриб юрди. Аммо, Хадичанинг бу йўл билан топган «соққа»си гиёванд моддани ўзига укол қилишига етмади. Хумори хуруж қилиб турган кунда Нормаматга шундай деди:

- Бугун тунда келгин. Кампирни бир ёқли қилиб, бойлигини ўмарамиз!

«Жонон»нинг бу таклифи Нормаматга мойдек ёқиб:

- Тузукроқ нарсаси борми? - деб сўради.

- Бор! Шу бугуннинг ўзида биргина менинг ҳисобимдан 1500 сўм ишлаб олди. Тилла тақинчоқлари ҳам анчагина!

- Унда бошқа гап!

Соат роппа-роса тунги бир бўлганида Нормамат кўриниш берди. Хадича аста эшикни очди. Икковлон икки «укол»ни олиб, хуморларини қондиришгач, ишга киришди. Кутилмаганда Хадича телевизор кўриб ўтирган кампирни дока бўлаги билан бўға бошлади. Нормамат эса стол устида турган биллур вазани олиб, қариянинг бошига туширди. «Жонон» жабрланувчининг овози чиқмаслиги учун унинг оғзига латта тиқиб қўйди. Шундан сўнг икковлон хотиржам бўлиб, жон ҳолатда азоб чекаётган кампирдан пул, қимматбаҳо тақинчоқ ва буюмларини қаерга қўйганлигини сўрашди. Кампир чурқ этмагач, қийновни бошлашди. Тепкилашди, уришди. Шунда ҳам кампир «сайрамагач» Нормамат уни яна дока билан бўға бошлади.Қийноғу азобларга бардош беролмаган кампир жон таслим қилди.

Шумқадам «меҳмон»лар эса мурданинг қўлидан 30.000 сўмлик тилла узугини, қулоқларидаги 100.000 сўмлик бир жуфт бриллиант кўзли сирғаларини ечиб олишди. Кейин уйни «тинтув» қилиб, 25.000 сўмлик иккита гилам, 5000 сўмлик диван ёпғичи, 5000 сўмлик кресло жилди, ҳар хил турдаги, умумий қиймати 15000 сўмлик биллур идишлар, 235 сўм пулни ўмариб, жуфтакни ростлашди.

Эртасига эса бу наҳс босган хонадондаги қотиллик ҳақида хабар тарқалди. Тузилган тезкор гуруҳнинг ҳушёрлиги ва топқирлиги натижасида ҳар икки қотил ҳам қўлга олинди. Нормаматнинг уйидаги марҳумага тегишли буюмлар, Хадичанинг қўли ва қулоғидаги тақинчоқлар ашёвий далил сифатида мусодара этилди...

Бироқ судлов жараёнида Нормамат негадир дастлабки терговлар чоғида берган кўрсатмаларидан тониб, «жонон»ини муқаррар жазодан сақлаб қолишга уриниб кўрди. Аммо, суд унинг бу мантиқсиз уринишларини инобатга олмади. Негаки, бир қўли йўқ Нормамат қотилликни ёлғиз ўзи қила олиши мумкин эмас эди. Бу ва бошқа омилларни ҳисобга олган одил суд Нормаматнинг қотилликни «бир ўзи қилганлиги» ҳақидаги кўрсатмаларини рад этди ва жиноят тафсилотларини чуқур ўрганиб, Нормамат Гафаровни ўлим жазосига ҳукм қилди, Хадича Рустамовани эса 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Бир қўшмачи-ю, икки гиёванд ўйнашларнинг бу аччиқ қисмати, ҳаром-хариш юрадиган, фаҳш ишларга берилган, гиёвандлик дардига мубтало бўлганларнинг кўзларини мошдек очиб қўйса ажабмас. Зеро, ҳар кимки ёмон бўлса жазо топғусидир.

**Рустам МАТЧОНОВ,**
**Республика прокуратурасининг судда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси катта прокурори.**
**Мурод КАЛОНХОН,**
**журналист.**

• *Бузоқнинг югургани...*

# БЕЗОВТАЛИК САБАБИ

# 2 килограмм «ханка»

**«Ханка» нима экан, деб ҳайрон бўлаяпсизми? Кўпчиликка тушунарсиз ва сирли бўлган бу сўзнинг маъносини қирғизистонлик Мадина Колигова жуда яхши тушунса-да, Бекобод шаҳрида жойлашган 20-сонли божхона пости ходимлари қаршисида ўзини гўлликка солиб тураверди.**

Божхона ходимлари Тожикистон Республикасидан келаётган ЛАЗ 699 автобуси йўловчиларини бирма-бир текширувдан ўтказар экан, ўзини қўярга жой тополмай турган ёш жувон уларнинг эътиборини тортди. Ҳа, безовталик бекорга эмас экан. М. Колигова дастлаб юк халтасини пост ходимларига кўрсатишдан бош тортди. Текширув натижасида эса унинг сумкасидан 2 килограмм келадиган «ханка», яъни опий гиёвандлик моддаси топилди.

Терговда аниқланишича, Мадина 1998 йил 13 май куни Хўжанд шаҳрида яшовчи дугонаси Д. Жамолованинг таклифига биноан унинг ўғлининг туғилган кунига боради. Уйга қайтишда эса танишларидан 2 килограмм опийни мўмай даромад қилиш мақсадида олади.

Йўқ, у ниятига етолмади. Аксинча, бу қинғир иши унга кўз ёши ва надоматлар келтирди.

Тошкент вилоят суди ҳукми билан М. Колигова 11 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Мадина эндигина 25 ёшга кирган, битта фарзанди бор. Лекин оиласи бутун эмас, ажралишган.

Қадим боболаримиз топиб айтишган «Нафс бир аждаҳодир. Уни жиловлай олмаган киши албатта, шу аждаҳога ем бўлади» деб. Мўмай даромад ишқида ёниб, ўзига хатарли ва қинғир йўлларни танлаб олган Мадина ҳам ўша «аждаҳо»га ўзини рўпара қилди.

Масаланинг яна бошқа томони ҳам бор. Гиёвандликка қарши кескин кураш олиб борилаётганига қарамай, нега заҳри қотилнинг юртимиз ҳудудига оқиб келиши камаймаяпти? Демак, юртдошларимиз ичида ана шу моддаларни истеъмол қилувчилар ҳам бор. Ким у, истеъмолчи? Бу ҳақда ўйлаб кўрганмизми?

Донишмандлар дейдиларки, тараққиётнинг чинакам белгиси - бойлик ёки таълим даражаси эмас, шаҳарларнинг катталашгани эмас, ҳосилнинг мўл-кўллиги ҳам эмас, балки шу ўлка бағрида тарбия топган инсон қиёфасидир.

Мустақил юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун ҳар бир фуқаронинг қиёфаси такомилга етган бўлиши керак. Шундагина, кимларгадир мўмай даромад манбаига айланиб қолган, лекин жамият учун, келажак учун ўта хавфли бўлган гиёвандликнинг ҳам, бошқа иллатларнинг ҳам олдини олиш мумкин бўлади, деб ўйлайман.

**Ж. ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Тошкент вилоят прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси.**



***Ҳуқуқ-тартибот идораларининг жамоат ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари ҳамда бошқа маҳаллий органлар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиши жиноятларнинг олдини олишда, қонунчиликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгалиги яққол кўзга ташланмоқда. Шу сабабдан ҳам, прокуратура идораларида бу масалага жиддий эътибор берилмоқда.***

**Суратда: Янгийўл тумани прокурори ўринбосари, 1-даражали ҳуқуқшунос Тўлқин Тиллаев** (чапдан биринчи) **А.Ортиқов номли маҳалла оқсоқоллари билан навбатдаги учрашувни ўтказмоқда.**

**Т.КАРИМОВ сурати.**

# МЕНИНГ БОЛАМ ЭДИНГ-А, БОЛАМ

(Бошланиши 5-бетда).

- Ҳ... н... нега ахир?

- Ўғлингиз гиёванд экан. Бола барибир узоқ яшамайди.

Чақалоқни ялиниб-ёлвориб уйга олиб келишди. Бироқ, у ростданам узоқ яшамади. Энди ўзи билан жиддий гаплашмаса бўлмайди. Раҳима ўғлига гапириш учун ўзини анча тайёрлади. Бу борада яна бир фалокат бостириб кирди. Келини мен гиёванд билан яшамайман, деб кетиб қолди.

- Болам, - деди Раҳима йиғлагудек бўлиб, - энди ёш бола эмассан, жон болам. Бу қилиқларингни йиғиштиргин, иккаламиз бир бўлиб дардингга даво топайлик, бу йўлингдан қайт, болам.

- Эътиборингиз учун, - овозини баланд кўтарди Салоҳиддин. - Ҳаммасига сиз айбдорсиз. Бегона бўлганим учун тарбиялашни ўзингизга эп кўрмагансиз. Барибир ташлаб кетади, нима қиламан бошимни оғритиб, деб ўйлагансиз. Машинани эса ўй-фикрингизни мендан яшириш учун обергансиз, бир бало қилиб барибир олиб қоламан дегансиз... Раҳиманинг кўзи қинидан чиқиб кетаёзди, тили калимага келмади.

- Нимага бақраясиз, - Салоҳиддин киноялн тиржайди. - Агар рози бўлиб оберганингизда ман авария бўлмасдим, рози бўлиб уйлантирганингизда хотиним кетиб қолмасди, болам ўлмасди. Билдингизми? Ана энди мақсадингизга етасиз. Кетаман. Аммо, машинаниям, «дом»ниям бермайман. Қолаверса... - Салоҳиддин чўнтагидан дафтар чиқар-ди. - Мана, қариндошларингиздан олган қарзларим рўйхати. Ўзингиз тўланг, обрў керак бўлса.

Раҳиманинг қулоқларига бошқа гап кирмади. Боши айланди. Пайпаслаб ўтирди. Анча ўзини босиб олганида ёнида ҳеч ким йўқ эди.

- Шайтон... ҳақиқий шайтон бу, - пичирлади алам билан. Нарсаларини йиғиштириб, опасиникига йўл олди. Дардини айтди.

- Баттар бўлинг, - чақиб олди поччаси. - Вақтида эрга текканингизда, ҳалол одамларнинг боласини тарбиялаганингизда бу кунлар йўқ эди. Энди ўзингиздан кўринг.

Шу гап етарли эди. Раҳима қайси эшикка бош урарини билмай, уйига қайтди. Уй яна ҳувиллаб ётибди. «Пешонам бунча шўр бўлмаса, кўзларига ёш олди аёл. - Қаерда, қачон адашдим? Қайси гуноҳларим эвазига Тангри менга бу қисматни берди?!».

«Йўқ, - ўзига қарши борди у. - Болам ёмон эмас, яхши. Ҳалиям кеч эмас. Ўлимдан бошқасининг чораси бор, ахир».

Шу фикр билан «дом»га қараб йўл олди. Эшикни нотаниш аёл очди.

- Кечирасиз, - Раҳима хола орқага қайтаётувди, аёл чақирди.

- Сиз Салоҳиддиннинг онасимасмисиз?

- Ҳа, шундай, - хола ажабланди.

- Салоҳ, қара, онажонинг сени йўқлаб келибди, - аёл ичкари кириб кетди.

Ичкаридан кўзлари қизарган Салоҳиддин чиқиб келди.

- Нимага келдингиз? Яшашга қўясизми, йўқми?

- Болам, уйга қайт...

- Шунақами? Хўш, қайтдимам дейлик. Нима берасан? Олтинларингни совуриб бўлдинг. Пулинг қолмади. Нима қиламан, сеникида, а?

- Ундай дема жон болам, ахир, меҳрим бор-ку...

- Меҳрмиш... Ўв, кампир, - Салоҳиддин онасининг бўғзидан тутди. - Менга меҳр-пеҳр керакмас. Отам туғилмасимдан олдин воз кечган, онам сотиб кетган. Тупурдим меҳрингга...

- Ахир сен, мени боламсан, болам...

- Ўчир овозингни, - Салоҳиддин аёлни итариб юборди. Холанинг боши деворга тегди. - Менга қара, агар мажақлаб ташлашимни истамасанг, жўнаб қол.

Раҳима хола иложсиз орқага қайтди. «Майли, соғ бўлса бас, бир кун ақл кириб қолар». Хола шу умид билан яшай бошлади. У ўғли бир куни кириб келишига, ҳаммаси яхши бўлиб кетишига қаттиқ ишонди.

Ўғли ростданам кириб келди. Орадан икки йил ўтиб. Аммо...

Бу гал у тирик эмасди...

Кампир додлаб юборди: «Болам, менинг болам». Мурданинг кўйлаги чўнтагида хат бор экан. Келтириб беришди. Хола хатоларга тўлиб ётган хатни жуда яхши тушунди. «Онажон! дейилганди унда. - Мени кечиринг, онажон! Бутун умр сизга азоб бердим. Ҳозир мени ажал таъқиб қилаётганини сезиб турибман. Ҳеч бўлмаса умримнинг охирги лаҳзаларида яхши бўлай, ахир сиз мени ҳамиша яхши, мўмин деб таърифлардингиз-ку. Агар вужудимни чулғаётган туйғу олдинроқ қалбимга кирганида эди, сизни бошимда кўтариб юрган бўлардим. Мен сизнинг болангизман, онажон! Шуни авваларок англаганимда эди... Аммо мен бу дунёга яна қайтаман. Яхши бўлиб, сизнинг болангиз бўлиб қайтаман...»

Аёл ингграб юборди:

- Болам яхши эди, ҳаммадан, ҳаммадан яхши эди. Худойим нега ёмонлар қолиб, яхшиларнинг жонини оларкан-а?

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА.**

